
Мактабларда ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига эътибор кучайтирилмоқда

Мактаб таълими, баркамол авлод саводхонлиги ҳамма даврда ҳам долзарб бўлиб келган.

Эртамиз эгаларининг истеъдодини юзага чиқариш, уларни пухта билим олишларини таъминлаш мақсадида тизимда туб ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда мактаблар фаолиятини ҳам модер-низациялаштириш, таълим даргоҳларини замонавий қиёфада қайта таъмирлашдан тортиб, улар моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш, талаб ва эҳтиёжга яраша зарур дарслик ва китоб фондини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун Риштон туман ҳокими С. Солиев мутасадди ташкилот раҳбарлари билан биргаликда туман ҳудудидаги 18 ва 20-мактаблардаги таъмирлаш ишларининг олиб бориши билан танишди.

Танишиш жараёнида ўқув устахонасида таъмирлаш ишларини олиб бориш, ҳудудни ободонлаштириш каби нуқсон ва камчиликлар ечими муҳокама қилинди. Таълим масканларида ички хоналарни пардозлаш, ўқув бинолари фасад қисмини рисоладагидек таъмирлаш, бўяш, ички хоналарни пардозлаш сингари жиҳатларга эътибор қаратилиб, масъуллар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

2021-07-13 15:05:49